

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«TBC BANK»

Акциядорлик Тижорат Банки  
Кузатув Кенгашининг  
24-сонли қарори билан  
Кузатув Кенгашининг раиси  
Курдиани Н.



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси Истиқболли  
лойиҳалар миллий агентлиги  
Директорнинг биринчи  
ўринбосари

В. Пак

«23» ноябрь 2024 й.  
М.У.



## ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР «TBC Bank» Акциядорлик Тижорат Банки

Идентификация рақами belgiladi:	R	U	3	0	2	P	0	9	1	1	R	0
------------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 128 000 000 (Бир юз йнгирма саккиз миллион) дона эгасини номи ёзилган фоизли хужжатсиз корпоратив облигациялар.

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар ёниқ обуна усулида жойлаштирилади.  
Облигацияларнинг ушбу чиқарилиши иккинчи чиқарилишдир.

Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 06 декабрь 24-сонли қарорига асосан  
облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 06 декабрь 24-сонли қарорига асосан облигациялар  
чиқариш тўғрисидаги қарори қабул қилинган.

Эмитент жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари, электрон почта манзили:  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10 Б-уй.  
тел.: +99878 777 2727, [contact@tbcbank.uz](mailto:contact@tbcbank.uz).

Бошқарув раиси

Тетрашвили С.

Бош Бухгалтер  
М.Ў

Агарбаев Ф.  
06 декабрь 2024 йил



1. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютуқли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва хоказо): Эгасининг номи ёзилган фоизли корпоратив облигациялар.

2. Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 (бир минг) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 128 000 000 (Бир юз йигирма саккиз миллион) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 128 000 000 000 (Бир юз йигирма саккиз миллиард) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир облигация ўз эгаларига қуйидаги ҳуқуқларни беради:

- облигация эгалари облигациянинг номинал қийматини облигацияда назарда тутилган муддатда олиш, ҳамда ушбу чиқарилишнинг шартларида кўзда тутилган тартиб ва даврийликда облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни даромад сифатида олиш;
- облигация эгалари қимматли қоғозлар бозоридаги ўз таваккалчиликларини суғурта қилдириш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношаркат ташкилотларига бирлашиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- облигация эгалари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари ва облигация чиқарилиш шартларига мувофиқ облигацияларни эркин сотиш ва бошқа тартибда бошқа шахсларга бериш;
- облигациялар бўйича эмитент томонидан тўлов мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда ушбу масала юзасидан давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ушбу қарорда белгиланган ҳолларда облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш;
- ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда облигация эгалари облигация номинал қийматини ва фоизли даромаднинг ушбу облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда олиш;
- жамият қайта ташкил этилиши ҳолатида облигация эгалари жамият томонидан облигациялар бўйича мажбуриятларни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш;
- жамиятнинг ўз капитали камайганида ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, жамият томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш;
- жамиятнинг тугатиш ҳолатида облигациялар Эмитентнинг субординарланмаган мажбуриятларини ташкил этади ва ҳар доим ўзаро тенг ва ҳеч қандай афзалликларсиз бўлиши керак. Эмитент барча вақтларда облигациялар бўйича унга нисбатан талаблар Эмитентнинг бошқа барча бўйсунмайдиган кредиторлари талаблари билан тўлов ҳуқуқи даражасида камида тенг бўлишини таъминлаши керак, амалдаги қонуннинг мажбурий қоидалари билан афзал бўлган талаблар бундан мустасно (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, депозитларга нисбатан мажбуриятлар).
- облигация эгалари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига нисбатан чеклашлар. (Чеклашлар кўрсатилаётганда чекловларга асос бўлган ҳужжат(лар) ва (ёки) қонунчилик ҳужжатларини кўрсатиш лозим.)

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан чеклашлар жамият уставида кўзда тутилмаган. Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ облигациялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади.

Облигацияларнинг харидорлари:

1. "ABU DHABI UZBEK INVESTMENT" Масъулияти Чекланган Жамияти Қўшма Корхонаси. Харидорнинг манзили: 100060, Тошкент ш., Шевченко кўчаси, 21А, 306-уй.



Харидор томонидан сотиб олинadиган облигациялар сони: 89 600 000 (Саксон тўққиз миллион олти юз минг) дона

Харидор томонидан сотиб олинadиган облигациялар умумий суммаси: 89 600 000 000 (Саксон тўққиз миллиард олти юз миллион) сўм.

Харидорнинг купон ва сўндириш тўловлари қабул қилиши учун хисоб варақаси :

Банк номи	Жойлашган ери  (почта манзили)	Банк филиалининг  коди (МФО, БИК...)	Ҳисобварағи	Валюта
АЖ Асака Банк	ТОШКЕНТ, НУКУС 67	00873	20214000505104190001	UZS

**2. "AZERBAIJAN UZBEK INVESTMENT" Масъулияти Чекланган Жамияти Қўшма Корхонаси .**

Харидорнинг манзили: Trilliant Бизнес Маркази 1, 13-қават, Шаҳрисабз 2, 100000 Тошкент

Харидор томонидан сотиб олинadиган облигациялар сони: 38 400 000 (Ўттиз саккиз миллион тўрт юз минг) дона

Харидор томонидан сотиб олинadиган облигациялар умумий суммаси: 38 400 000 000 (Ўттиз саккиз миллиард тўрт юз миллион) сўм.

Харидорнинг купон ва сўндириш тўловлари қабул қилиши учун хисоб варақаси :

Банк номи	Жойлашган ери  (почта манзили)	Банк филиалининг  коди (МФО, БИК...)	Ҳисобварағи	Валюта
АЖ Асакабанк Шайхонтохур филиали	100021, Ўзбекистон, Шаҳар: Тошкент, Туман: Шайхонтохур, Фурқат кўчаси, 9	00873	20214000905729393002	UZS

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 1 708 694 719 000 (Бир триллион етти юз саккиз миллиард олтиюз тўқсон тўрт миллион етти юз ўн тўққиз минг) сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Илгари жойлаштирилган оддий акциялар сони 1 708 694 719 (бир миллиард етти юз саккиз миллион олтиюз тўқсон тўрт минг етти юз ўн тўққиз) дона ташкил этади. Имтиёзли акциялар жамият томонидан чиқарилмаган.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):**

а) облигацияларни чиқариш учун асос: Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 30 октябрь 20-сонли қарорига асосан;

б) давлат рўйхатидан ўтказилган сана, идентификация рақами: 26.11.2024, RU301P0911R2;

с) жойлаштиришнинг бошланиш санаси: 28.11.2024;

д) жойлаштиришнинг тугаш санаси: 29.11.2024;

э) облигацияларнинг номинал қиймати, сўмда: 1 000 (бир минг) сўм;

ф) номинал қийматдаги эмиссия ҳажми, сўм: 40 000 000 000 (қирқ миллиард) сўм;

- г) чиқарилган облигацияларнинг умумий сони, дона: 40 000 000 (қирк миллион) дона;
- х) расмий листингига жойлаштирилган облигациялар киритилган ким ошди савдоси ташкилотчиси нинг номи ва манзили: Татбик этилмайди;
- и) биржа ёки биржадан ташқари савдоларда расман қайд этилган юқори ва қуйи нархларни кўрсатган ҳолда ўтган йил учун облигациялар нархларини тақсимлаш: Татбик этилмайди;
- ж) облигацияларни чиқариш мақсади: Айналма капитални тўлдириш.

## **11. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

### **11.1. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):**

Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ облигациялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Облигацияларнинг харидорлари:

#### **1. "ABU DHABI UZBEK INVESTMENT" Масъулияти Чекланган Жамияти Қўшма Корхонаси.**

Харидорнинг манзили: 100060, Тошкент ш., Шевченко кўчаси, 21А, 306-уй.

Харидорнинг томонидан сотиб олинган облигациялар сони: 89 600 000 (Саксон тўққиз миллион олти юз минг) дона

Харидор томонидан сотиб олинган облигациялар умумий суммаси: 89 600 000 000 (Саксон тўққиз миллиард олти юз миллион) сўм.

#### **2. "AZERBAIJAN UZBEK INVESTMENT" Масъулияти Чекланган Жамияти Қўшма Корхонаси.**

Харидорнинг манзили: Trilliant Бизнес Маркази 1, 13-қават, Шаҳрисабз 2, 100000 Тошкент

Харидорнинг томонидан сотиб олинган облигациялар сони: 38 400 000 (Ўттиз саккиз миллион тўрт юз минг) дона

Харидор томонидан сотиб олинган облигациялар умумий суммаси: 38 400 000 000 (Ўттиз саккиз миллиард тўрт юз миллион) сўм.

### **11.2. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати:**

Ушбу облигациялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли органда эмиссия рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб 20 иш куни ичида жойлаштирилади.

Облигацияларни жойлаштириш бошланиш санаси: облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда эълон қилинган кундан бошлаб. Агар ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг бошланиш санаси банк ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, жойлаштирилишининг бошланиш санаси ушбу кундан кейин келадиган биринчи иш кунига кўчирилади.

Облигацияларни жойлаштирилишни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги облигация жойлаштирилган сана, бироқ эмиссия рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб 20 иш кундан ошмаслиги лозим.

### **11.3. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги жамиятнинг облигациялари қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида бевосита фуқаровий-ҳуқуқий битим тузиш йўли билан ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади, бунда битимлар қонунда белгиланган тартибда хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан рўйхатга олинади. Облигацияларни жойлаштириш жараёнида кўзда тутилган инвестиция воситачиси "TAT-REESTR" масъулияти чекланган жамияти, манзил: Ўзбекистон, Тошкент ш., А. Темур, 1-уй, телефон: +99871 232 01 45, веб-сайт: tat-reestr.uz, лицензия рақами 1262 Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 04.04.2014 санада берилган. Лицензиянинг амал қилиш муддати - муддатсиз. Инвестиция воситачисининг асосий вазифалари – биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида бевосита фуқаровий-ҳуқуқий битимларни қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш. Эмитент ва облигацияларни

жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачиси ўртасида шартномада белгиланган муддатда жойлаштирилмаган облигацияларни ўз ҳисобидан сотиб олиши назарда тутилмаган.

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Облигацияларни сақлаш, ҳамда облигациялар реестрини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Тўлиқ фирма номи – “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси. Жойлашган жойи ва почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй, 3 қават, телефон: (+99871) 267-37-42, факс: (+99871) 267-37-42. Электрон манзили: info@uzcsd.uz, расмий веб-сайти www.uzcsd.uz.

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси тўғрисида маълумот:

*Тўлиқ фирма номи:* “TAT-REESTR” масъулияти чекланган жамияти.

*Қисқартirilган фирма номи:* “TAT-REESTR” масъулияти чекланган жамияти.

*Жойлашган жойи:* 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 1 уй. Тел: +99871 232-01-45. Электрон манзили: tat-reestr@mail.ru, расмий веб-сайти: [www.tat-reestr.uz](http://www.tat-reestr.uz).

**11.5 Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

Ушбу чиқарилишидаги облигациялар овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган эмас, шунинг учун ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

Ушбу чиқарилган облигациялар жойлаштиришнинг биринчи кунда 1 000 (бир минг) сўмдан, ва кейинги кунлардан эса жадвалга мувофиқ, ҳар бир куп учун тўпланган купон тўловлари ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

**11.7. Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, миллий валюта ёки чет эл валютасида нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Облигацияларни жойлаштириш жараёнида облигациялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Облигациялар тўловларини қабул қабул қилиш учун ҳисоб варақлари:

Банк номи	Жойлашган ери  (почта манзили)	Банк филиалининг  коди (МФО, БИК...)	Ҳисобварағи	Валюта
«ТВС Банк» Акциядорлик Тижорат Банки	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10 Б- уй.	МФО 01180	29896000400001180042	UZS



**11.8. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Белгиланган муддатда облигацияларнинг умумий ҳажмининг 60%дан кам ҳажмда жойлаштирилган тақдирда ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилди. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда жамият томонидан ушбу ҳолат тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмий билдиришнома эълон қилинади, ҳамда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган кун ҳолатига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигациялар эгалари рўйхатини сўраб олади. Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилдиши тўғрисидаги маълумот эълон қилинган пайтдан бошлаб жамият ушбу облигациялар чиқарилиши бўйича ушбу қарорда белгиланган даромад ҳисоблашини тўхтатади. Барча облигация эгалари маблағлар ўтказилиши зарур бўлган асосий ҳисоб рақамларни кўрсатиб, маблағларни қайтариш тўғрисидаги ариза билан жамиятга мурожаат қилишлари зарур. Жамият ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг барча эгаларига сотиб олинган облигациялар номинал қийматини ва ҳисобланган фоизларни (чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган оралиқ даврда ҳақиқий жойлаштириш муддати учун) ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган санадан 10 (ўн) иш куни ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб бериш мажбуриятни ўз зиммасига олади.

**12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:**

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомалага таъминотсиз чиқарилади.

**13. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари:**

Облигацияларни муомалага чиқариш облигациялар чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга қўйилганидан кейин амалга оширилади, облигациялар жамиятга хизмат кўрсатувчи ваколатли инвестиция воситачидаги Депо ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомала муддати – ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан бошлаб бошлаб 730 (етти юз ўттиз) кун.

Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларни тузиш, ҳамда қимматли қоғозлар эғасининг алмашишига олиб келадиган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Облигациялар қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозорида муомалада бўлиши мумкин. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар облигацияларни олувчига унинг Депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган Депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Облигация билан тасдиқланган ҳуқуқлар облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтиш пайтидан эътиборан олувчига ўтади.

**14. Облигациялар бўйича сўндириш ва даромадларни тўлаш шартлари.**

**14.1. Облигацияларни сўндириш шакли (пул воситалари, мол-мулк, айирбошлаш ва хоказо):**

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар фақат нақдсиз пул маблағлари шаклида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида сўндирилади.

**14.2. Облигацияларни сўндириш муддатини ўз ичига олган сўндириш тартиби ва шартлари:**

Облигация муомала муддати тугаганидан кейин жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барча жойлаштирилган облигацияларни кейинчалик сўндириш ва бекор қилиш мақсадида қайта сотиб олишга мажбурдир.

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сўндириш облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 730 (етти юз ўттиз) кундан кейин 10 иш кун мобайнида амалга оширилади. Агар сўндириш суммасини тўлаш куни банк ҳисоб-китоблари учун дам олиш кунига тўғри келса, сўндириш суммасининг тўлови ушбу дам олиш кунларидан кейин келадиган биринчи иш кунида амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сўндиришда пул маблағлари (облигациянинг номинал қиймати) тўлаш марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 730-кун ҳолатига шакллантирган облигация эгалари реестри асосида облигация эгаларининг банк ҳисобварақларига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Облигация эгасининг ёзма талаби асосида унга тегишли бўлган пул маблағлар кейинчалик облигация эгасининг ҳисобварағига ўтказилиши орқали облигация эгасининг инвестиция воситачисига тўланиши мумкин. Агар даромад тўлаш учун шакллантирилган реестрда облигация эгаларининг банк реквизитлари ҳақида маълумот тўлиқ бўлмаса ва/ёки нотўғри бўлса, жамият облигация эгаларига тегишли пул маблағлар тўлови кечиктирилиши учун жавобгар бўлмайди.

Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида облигация эгалари муомала муддати тугашидан олдин жамиятга ўзларининг банк реквизитларини кўрсатган ҳолда хат юбориш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 730-кун ҳолатига шаклланган реестр марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жамият жавобгар бўлмайди. Агар облигация эгалари реестрида облигация эгалари банк ҳисобрақамлари ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса, ёки эскириб қолган бўлса, ушбу облигация эгаларига тегишли бўлган пул маблағлар жамиятда фоиз ҳисобланмаслик шарти остида сақланади.

**14.3. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шунингдек ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби):**

Облигация эгаси облигация чиқарилиш шартларида белгиланган тартибда ўтган оралик давр учун облигация номинал қийматидан фоизли даромад (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда фоизли даромад тўлов манбаида солиқ ушлаб қолиниши чегириб ташланади) олиш ҳуқуқига эга.

Оралик даврдаги кунлар сони - фоиз даромадининг сўнгги оралик тўлови санасидан бошлаб кейинги фоиз тўловигача бўлган кунлар сони ёки, агар илгари фоиз даромадлари ҳисобланмаган бўлса, жойлаштириш бошланган санадан бошлаб биринчи оралик тўлови санасигача бўлган кунлар сони (биринчи фоиз даромади тўлови).

Жамият томонидан облигациялар бўйича фоизли даромад тегишли оралик даврнинг охириги кун ҳолатига шаклланган облигация эгалари реестрида рўйхатдан ўтган облигация эгасига тўланади. Бир оралик давр учун бир дона облигация бўйича фоизли даромад йиллик ҳисобида облигациянинг номинал қийматига нисбатан 24 (йигирма тўрт) фоизни ташкил қилади.

Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида бир оралик давр учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш бир оралик даврнинг охириги кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади.

Фоизли даромад куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$D_n = N * (C/365) * P$$

$D_n$  – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

$N$  – облигациянинг номинал қиймати;

$C$  – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида).

$P$  - оралик даврдаги кунлар сони

*Изоҳ: Фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади. (Йириклаштириш математик яхлитлаш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда яхлитланадиган рақамдан кейинги биринчи сон 1 дан 4 гача тенг бўлса бутун тийиннинг аҳамияти ўзгармайди ҳамда агар яхлитланадиган рақамдан кейинги сон 5 дан 9 гача тенг бўлса у бирга қўнайган ҳолда ўзгаради).*

**14.4. Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда:**

Ушбу чиқарилишдаги облигация эгаларининг фоизли даромадлари ҳар бир оралик давр якунланиши билан ҳисобланади. Фоизли тўлов миқдори ушбу корпоратив облигациялар чиқарилиши қарор шартларига мувофиқ аниқланади.

Облигациялар бўйича даромад тўлаш графиги корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (<https://openinfo.uz>) ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида (<https://tbcbank.uz/ru>) ушбу чиқарилишдаги облигация жойлаштиришнинг бошланиш саҳасидан эътиборан 20 иш куни ичида эълон қилинади.

Даромад тўлаш мақсадида жамият Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига даромад ҳисобланадиган оралик даврнинг охириги кун ҳолатига облигация эгалари реестрини шакллантириш



учун сўров юборади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим этилган облигация эгалари реестри асосида жамият фоизли даромад тўлаш учун облигация бўйича даромад олишга ваколатли ҳар бир шахсга тўланиши лозим бўлган пул маблағлар миқдорини ҳисоб-китоб қилади.

Марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 182, 365, 547, 730-кунлардаги ҳолатига шаклланган реестр маълумотларга тайанлган ҳолда жамият даромадларни ҳисоблайди ва 10 иш кундан кечиктирмасдан облигация эгаларига тегишли ҳисобланган даромадни уларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказиб беради.

Облигация эгасининг ёзма талабига кўра даромад облигация эгасининг инвестиция воситачисига кейинчалик облигация эгасининг ҳисобрақамига ўтказиш билан тўланиши мумкин. Даромад тўлаш учун шакллантирилган реестрда облигация эгаларининг банк реквизитлари ҳақида маълумот тўлиқ бўлмаса ва/ёки нотўғри бўлса, жамият облигация эгаларига тегишли пул маблағлар тўлови кечиктирилиши учун жавобгар бўлмайди. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида облигация эгалари жорий оралик давр тугашидан олдин жамиятга ўзларининг банк реквизитларини кўрсатган ҳолда хат юбориш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга даромад тўлаш учун шаклланган реестр марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жамият жавобгар бўлмайди.

Тўлов манбаида даромад солиғини ушлаб қолиш бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва облигация эгаларида даромад солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар мавжуд бўлган тақдирда (шу жумладан даромад солиғини тўлашдан озод этилганлиги), бундай облигация эгаси жамиятга олдиндан ёзма хабарнома тақдим этиши керак. Ёзма хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: имтиёз қўлланилишига асос бўлган норматив ҳужжатнинг номи (ушбу норматив ҳужжатнинг нусхаси ёзма хабарнома иловасида келтирилади), ушбу имтиёзнинг облигация эгасига ва унинг банк реквизитларига нисбатан татбиқ этилиши учун асос. Ёзма хабарнома жорий оралик давр якунланишидан 10 иш кундан кечиктирмасдан жамиятга тақдим этилиши керак.

**14.5. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шу билан бирга эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби:**

Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш кўзда тутилмаган.

**15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган облигация чиқарилиш тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (<https://openinfo.uz>) ва жамият расмий веб-сайтида (<https://tbcbank.uz/ru>) эълон қилинади.

**16. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун):**

Кўзда тутилмаган.

**17. Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун):**

Кўзда тутилмаган.

**18. Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шунингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил корпоратив облигациялар учун):**

Кўзда тутилмаган.



Ижилган ва рақамланган

9 (саккиз)

варакдан иборат

06.11.2024 йил

Башқарув Раиси  
Бош бухгалтер

Ҳасратчилин С.  
Алферов Ф.

